



TOSHKENT DAVLAT  
IQTISODIYOT UNIVERSITETI

САИФНАЗАРОВ И.  
КУДРАТОВА У.


# ЯНГИЛАНАЁТГАН ЎЗБЕКИСТОН ЎҚИТУВЧИСИ

*Монография*

«IQTISODIYOT»

241  
С21

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ  
ОЛИЙ ТАЪЛИМ, ФАН ВА ИННОВАЦИЯЛАР ВАЗИРЛИГИ  
ТОШКЕНТ ДАВЛАТ ИҚТИСОДИЁТ УНИВЕРСИТЕТИ




*“2023 йил – Инсонга эътибор ва сифатли таълим йили”га бағишланади*

**И. САИФНАЗАРОВ, У. КУДРАТОВА**

**ЯНГИЛАНАЁТГАН  
ЎЗБЕКИСТОН  
ЎҚИТУВЧИСИ**

*Монография*



**ТОШКЕНТ – «ИҚТИСОДИЙОТ» – 2023**

УЎК: 378.012:1(575.1)

КБК: 74.03.480 Н31

**Саифназаров И., Кудратова У. “Янгилаётган Ўзбекистон ўқитувчиси”. / Монография. – Т.: “IQTISODIYOT”, 2023. –200 б.**

Ушбу монографияда таълим тизими тараққиёти ва истиқболлари таҳлил этилади. Бугунги кунда республикамиз таълим тизимидаги янги ислохотлар илмий-назарий, ижтимоий-фалсафий тадқиқотларни янада кенгроқ таҳлил қилишни талаб қилмоқда. Шу давргача замонавий таълимда ўқитувчи муаммоси педагогик, психологик ва социологик жиҳатдан тадқиқ этилган. Монографияда Янги Ўзбекистонда ўқитувчи феномени масаласи ижтимоий-фалсафий нуқтаи назардан тадқиқ этилган.

Мазкур монография таълим тизими педагог ходимлари, тадқиқотчилар, талабалар ҳамда таълим муаммолари билан кизикувчилар учун мўлжалланган.

***Масъул муҳаррир:***

***М. Қуронов - педагогика фанлари доктори, профессор***

***Тақризчилар:***

***О. Мусурмонова - Педагогика фанлари доктори, профессор***

***Б. Алиев – Фалсафа фанлари доктори, профессор***

***А. Мухтаров – Фалсафа фанлари доктори, профессор***

***Тошкент Давлат Иқтисодиёт Университети Илмий Кенгаши  
қарорига асосаннашрга тавсия этилган.***

**ISBN 978-9910-9695-1-5**

© «IQTISODIYOT», 2023.

© И.Саифназаров, У.Кудратова, 2023.



*«Юртимизда Учинчи Ренессанс пойдеворини барпо этиши учун бизга замонавий илм ва яна бир бор илм, тарбия ва яна бир бор тарбия керак. Бугунги ва эртанги кунимизни, ёшларимиз тақдирини ҳал қиладиган юксак малакали муаллим ва мураббийлар, профессор-ўқитувчилар, ҳақиқий зиёлилар керак»<sup>1</sup>.*

**Ш.Мирзиёев**

<sup>1</sup> <https://president.uz/uz/lists/view/4743>

## МУНДАРИЖА

<b>КИРИШ</b> .....	<b>5</b>
<b>I боб. ТАЪЛИМ ФАЛСАФАСИНИНГ МЕТОДОЛОГИК АСОСЛАРИ</b> .....	<b>6</b>
1.1. Шарқ ва Ғарб фалсафасида «ўқитувчи» сиймоси.....	6
1.2. Замонавий таълим тизими тенденциялари .....	23
1.3. Ўзбекистон тараққиётида ўқитувчи феномени .....	34
<i>I бобга оид хулоса</i> .....	50
<b>II боб. ЗАМОНАВИЙ ТАЪЛИМ ТИЗИМИ ТАРАҚҚИЁТИНИНГ ИЖТИМОЙ- ФАЛСАФИЙ АСОСЛАРИ</b> .....	<b>51</b>
2.1. Ижтимоий-педагогик идеал .....	51
2.2. Давлат ва хусусий таълим муносабатлари .....	68
2.3. Масофавий таълим ва деперсонализация .....	88
<i>II бобга оид хулоса</i> .....	99
<b>III боб. ЯНГИЛАНАЁТГАН ЎЗБЕКИСТОНДА ЎҚИТУВЧИНИНГ МАҚОМИ</b> .....	<b>101</b>
3.1. «Устоз-шогирд» муносабатларининг замонавийлашуви .....	101
3.2. Янгиланаётган Ўзбекистонда ўқитувчи мақомини ошириш истиқболлари.....	118
<i>III бобга оид хулоса</i> .....	147
<b>ХУЛОСА</b> .....	<b>148</b>
<b>ФЙДАЛАНИЛГАН АДАБИЁТЛАР РЎЙХАТИ</b> .....	<b>151</b>
<b>ИЛОВАЛАР</b> .....	<b>168</b>

## КИРИШ

Бугунги кунда таълим тизимининг замонавий дифференциация, интеграция шароитида инклюзив таълимда инсон омилининг ҳал қилувчи аҳамияти эътироф этилмоқда. Жаҳон миқёсида ёшлар илм олишида универсал таълим инсон ҳуқуқ ва эркинлиги доирасида қабул қилинган. БМТнинг маданият ва таълим тизими Бутунжаҳон ўқитувчилар кунини муносабати билан «Ўтган даврда ўқитувчилар жамиятдаги энг юксак мартабали етакчилар эканлиги»ни эълон қилди<sup>2</sup>. Халқаро ҳамжамият «COVID-19» шароитида ўқитувчиларнинг ҳар бири таълим тизимининг барқарорлигини таъминлаш, ёшлар илм-фан асосларини эгаллашида турғунликнинг олдини олиш, рақамли таълимга ўтишда ўз лидерлик фазилатларини намоён этганликларини эътироф этди.

Дунёнинг қатор давлатлари илмий тадқиқот институт ва университетларда International Association for the Evaluation of Educational Achievement таълим стратегияси самарадорлигининг қиёсий тадқиқотлари, Progress in International Reading Literacy Study ўқувчиларнинг фан асосларини эгаллаши, International Civic and Citizenship Education Study дастурларида таълимда фуқаролик компетенцияси йўналишлари АҚШ, Франция, Германия, Сингапур, Япония каби давлатлар таълим самарадорлигининг омиллари юзасидан тадқиқотлар амалга оширилмоқда.

Ўзбекистон ҳукумати таълим тизимидаги миллий уйғониш, тараққиёт мактаб остонасидан бошланади, деган тамойил асосида ислохотларни амалга оширмоқда. Шу маънода, Ўзбекистон Республикаси Президенти Ш.М.Мирзиёевнинг таълим тизимини «Ўзбекистонда энг обрўли инсон – муаллим бўлиши керак!»<sup>3</sup>, деган ғояси миллий давлат сиёсати даражасида давлат, жамият ва шахс муносабатларининг негизи сифатида барча шарт-шароитлар яратмоқда. Натижада, республикамизда 1700 дан ортиқ таълим масканлари замонавий ахборот технологиялари билан тўла қайта жиҳозланди. Барча вилоятларда Президент таълим муассасалари агентлиги тизимида Президент, ижод ва ихтисослаштирилган мактаблар фаолият бошлади. Замонавий таълимда ўқитувчи ижтимоий мақомининг мустаҳкамланишида қатор ижобий ўзгаришлар амалга оширилди.

<sup>2</sup> Всемирный день учителя на фоне пандемии: как изменится образование и роль педагогов // <https://news.un.org/ru/story/2020/10/1387502> (Мурожаат санаси 08.04. 2022)

<sup>3</sup> Мирзиёев Ш.М. Миллий тикланишдан – миллий юксалиш сари. – Т.: Ўзбекистон, 2020. – 456 б.

# I боб. ТАЪЛИМ ФАЛСАФАСИНИНГ МЕТОДОЛОГИК АСОСЛАРИ

## 1.1. Шарқ ва Ғарб фалсафасида «ўқитувчи» сиймоси

Қадим Шарқ ва Ғарб фалсафаси инсоният илм-фани ҳамда маънавий тараққиётининг дебочаси ҳисобланади. Инсониятнинг моддий ва маънавий маданияти ўқитувчи ва устозлар фаолияти, тажрибаси, панд-насихатлари ва намунаси асосида яратилган, тараққий этган. Конфуций «Миллатнинг – буюк муаллими»<sup>4</sup>, Арастуни бутун инсоният учун «Муаллиму-аввал» – «Биринчи муаллим», Форобийни «Муаллиму ас-соний» – «Иккинчи муаллим»<sup>5</sup>, файласуф олим М.Хайруллаевни шоғирдлари ҳақли равишда «Муаллими ас-солис» – «Учинчи муаллим»<sup>6</sup>, деб атаганлар.

Қадимги цивилизациялар, Миср, Месопатамия, Бобил, Ҳиндистон, Хитой, Юнонистон ва Римдаги ёзма манбалар ҳамда Конфуций, Сукрот, Афлотун, Арасту, Форобий, Ибн Сино, Имом ал-Бухорий, Абу Ҳамид Ғаззолийлар асарларида устоз-ўқитувчиларга муносабат диний ва дунёвий нуқтаи назардан таҳлил этилган.

Ўқитувчи фаолияти ва ижодий меҳнатининг асосий жиҳатлари дунё олимлари Я.А.Коменский, Ж.Ж.Руссо, А.Дистервег, М.Монтессори, М.Монтень, А.С.Макаренко, В.А.Сухомлинский, К.Д.Ушинский, Б.Г.Ананьев, А.Н.Леонтьев, Я.А.Пономарёв, С.Л.Рубинштейн, Э.Ю.Майкова<sup>7</sup>лар томонидан ўрганилган.

МДҲ давлатларида таълим фалсафасига доир муаммолар А.В.Филатова, Т.А.Шаренкова, М.С.Ашилова, О.С.Груздова, М.С.Рюмина каби тадқиқотчилар томонидан таҳлил этилган. Таълим тизимида ўқитувчи ёки ижодкор шахс қиёфаси И.Н.Каланчина, А.Г.Китариогло, А.Г.Чушно, К.С.Назаренко, А.П.Фомин, Л.П.Реутовалар диссертацияларида ижтимоий-

<sup>4</sup> Конфуций. Ҳикматлар – Т.: А.Навоий номидаги Ўзбекистон миллий кутубхонаси нашриёти, 2010. – Б.9.

<sup>5</sup> Форобий. Фозил одамлар шаҳри. – Т.: А.Қодирий номидаги халқ мероси нашриёти, 1993. – Б.10.

<sup>6</sup> [https://uza.uz/uz/posts/uchinchii-muallim-ozbekiston-falsafasi-yutuqlarini-targib-qilgan-vakii\\_332585](https://uza.uz/uz/posts/uchinchii-muallim-ozbekiston-falsafasi-yutuqlarini-targib-qilgan-vakii_332585)

<sup>7</sup> Коменский Я.А. Великая дидактика // Я.А.Коменский. Избранные педагогические сочинения. В 2-х тт. – Т.1. – М.: Педагогика, 1982. – 293 с.; Руссо Ж.-Ж. Эмиль или о воспитании // Педагогические сочинения. В 2-х т. Т. 1. – М.: Педагогика, 1981. – С.19-592; Дистервег А. Избранный педагогические сочинения. – М.: Учпедгиз, 1956. – С. 136-203; Макаренко А.С. Педагогическая поэма. Монография. – М.: Директ-Медиа, 2014. – 497 с.; Ушинский К.Д. Избранные педагогические сочинения: в 2-х т. – М.: Педагогика, 1974. – 439 с.; Сухомлинский В.А. Сто советов учителю. – Удмуртия: Педагогическая библиотека, 1981. – 296с.; Рубинштейн С.Л. Основы общей психологии. – СПб.: Питер, 2002. – 720 с.; Пономарёв Я.А. Психология творчества. – М.: Наука, 1976. – 304 с.; Ананьев Б.Г. Личность, субъект деятельности, индивидуальность. – М.: Директ-Медиа, 2008. – 209 с.

фалсафий жиҳатдан ёритиб берилган<sup>8</sup>, М.Е.Бершадский, В.Ф.Исаев, В.Д.Щадриковлар томонидан замонавий ўқитувчининг профессио-нализм жиҳатлари, касбий-педагогик маданияти мезонлари асосида замонавий педагогнинг қиёфаси ишлаб чиқилган. Шунингдек, ўқитувчининг илмий тадқиқотчилик фаолияти, инновацион маданиятини ривожлантириш омиллари ва зарурати Т.Е.Климова, Г.Д.Кошелова, Г.Д.Лицман, Н.Н.Малахова<sup>9</sup>ларнинг диссертация-ларида таҳлил қилинган.

Олий таълим тизимини модернизация қилиш, таълим ислохотлари масаласи Д.Белл, Ж.Грант, Ж.Дьюи, И.Масуда, В.фон Гумбольдт, Т.Вебелен, Э.Тоффлер, Ф.Фукуяма каби хорижлик олимлар, шунингдек, А.В.Бузгалин, Т.Ю.Журавлев, А.С.Панарин, В.Л.Иноземцев, Э.П.Семенов, Н.М.Панькова<sup>10</sup> каби рус олимлари томонидан тадқиқ этилган. Улар ўз асарларида замонавий таълим тизими ва уни ривожлантириш зарурати ҳақида концептуал гояларни ишлаб чиққанлар.

Ўзбекистонда замонавий таълим тизими ва уни малакали ўқитувчилар билан таъминлаш муаммолари Маҳмудхўжа Бехбудий, Абдулла Авлоний, Фитрат<sup>11</sup> ва бошқа жадид олимларимиз томонидан ҳам назарий, ҳам амалий равишда ўрганилган.

Ўзбекистон таълим тизимида ўқитувчи ролининг ижтимоий-фалсафий таҳлили А.Мамишева, Т.Султонов<sup>12</sup>лар ишларида, ўқи-тувчилар маънавий-мафкуравий жиҳатларининг педагогик хусусиятлари Л.С.Бекназарова, Ф.Қаноатова, Г.Х.Ибрагимова, Б.З.Тўраев, А.А.Халиковлар илмий тадқиқотларида ўрганилган.

<sup>8</sup> Каланчина И.Н. Социально-философский анализ роли личности учителя в современном образовании: Автореф. дис. ... канд. филос. наук – Барнаул, 2004. – 48 с.; Китариогло А.Г. Педагогическая власть в современном обществе: социально-философский анализ: Дис. ... канд. филос. наук - Красноярск, 2017. -151 с.; Чуков А.Г. Творческая личность в сфере образования: Автореф.дис. ... док.филос. наук. – Ростов на Дону, 2003. –45 с.; Фомин А.П. Личность учителя как носителя педагогической идеи: Дис. ... канд. филос. наук. – СПб., 2001. –221 с.; Реутова Л.П. Система формирования и развития профессионально-педагогического мировоззрения учителя: Автореф. ... док. пед. наук. – Майкоп: Модель, 2006. –С.26-28.

<sup>9</sup> Климова Т.Е. Развитие научно-исследовательской культуры учителя: Дис. ... док. пед. наук. - Оренбург, 2001. -328 с.; Кошелова Г.Д. Педагогические условия профессиональной подготовки будущего учителя как субъекта инновационной деятельности: Дис. ... канд. пед. наук. - М.: РГБ, 2003. -195 с.; Лицман Г.Д. Научно-исследовательская деятельность как средство профессионально-квалификационного роста учителя: Дис. ... док. пед. наук. – Екатеринбург, 2002. -212 с.; Малахова Н.И. Инновационная культура как фактор системных социальных трансформаций. – Дис. ... док. филос. наук. - Ростов-на-Дону, 2016. -215с.

<sup>10</sup> Белл Д. Грядущее постиндустриальное общество. Опыт социального прогнозирования. – М.: Academia, 1999. – 783 с.; Дьюи Дж. Демократия и образование. – М.: Педагогика-Пресс, 2000. – 384 с.

<sup>11</sup> Бехбудий Маҳмудхўжа Танланган асарлар. – Тошкент: Маънавият, 1997. -395 б.; Авлоний Абдулла Туркий гулистон ёхуд ахлоқ. – Тошкент: Yoshlar nashriyot uyi, 2018. - 96 б.; Фитрат Абдурауф Танланган асарлар. – Тошкент: Маънавият, 2003. -255 б.

<sup>12</sup> Султонов Т. Проблемы развития интеллектуального потенциала независимой Узбекистана (на примере развития научно-педагогических кадров высшей школы). – Дис. ... канд. филос. наук. –Ташкент: ТашГУ, 1995. -160 с.



Б.Б.Қодиров ўқитувчи мақомининг ҳуқуқий жиҳатларини, Р.Д.Юлдашев, С.Хидиров, Ю.Намозовалар ўқитувчи шахси ва унинг инновацион фаолиятини фалсафий ҳамда социологик жиҳатдан таҳлил қилганлар<sup>13</sup>.

Э.Юсупов, Ж.Туленов, Р.Жўраев, Қ.Йўлдошев, И.Саифназаров, Ж.С.Раматов, Н.Ҳакимов, З.Қодирова, Э.Ғозиев, М.Қуроноф, Н.Шермухамедова<sup>14</sup> каби олимлар асарларида ўқитувчи шахси ижтимоий-фалсафий, педагогик-психологик жиҳатдан таҳлил қилинган.

Бирок мавзуга оид адабиётлар таҳлилинини ўрганиш натижасида айтиш мумкинки, бугунги кунда республикамиз таълим тизимидаги янги ислохотлар илмий-назарий, ижтимоий-фалсафий тадқиқотларни янада кенгрок таҳлил қилишни талаб қилмоқда. Шу давргача замонавий таълимда ўқитувчи муаммоси педагогик, психологик ва социологик жиҳатдан тадқиқ этилган бўлса-да, аммо ўқитувчи феномени ижтимоий-фалсафий жиҳатдан ўрганилмаган.

Тадқиқотнинг мақсади замонавий таълим тизимида ўқитувчи феноменининг ижтимоий-фалсафий жиҳатларини очиб беришдан иборат бўлиб, уни амалга оширишда қуйидаги вазифалари белгиланди:

- ўқитувчи шахси шаклланишида фалсафий тафаккур тарзи билан боғлиқ жиҳатларни ривожлантириш орқали уни асослаш;

- пандемия шароитида ўқитувчи феномени замонавий таълим тизими ютуқларини таъминловчи асосий омил эканлигини очиб бериш;

- Янги Ўзбекистонда узлуксиз таълим тизимидаги ислохотлар ва уларнинг истиқболлари бўйича бажарилаётган илмий-амалий фаолият стратегиясини таҳлил қилиш;

- замонавий таълим тизими кадриятлари асосида ўқитувчи мақомини ошириш ва «Устоз-шогирд» тизими орқали ўқувчи ҳамда ўқитувчилар фаолиятини такомиллаштириш усулларини ишлаб чиқиш.

Таълим-тарбия тизимидаги ислохотлар ўқитувчи-устозларнинг самарали фаолиятини таъминламоқда. Янгиланаётган Ўзбекистоннинг илм-фан соҳасидаги тараққиёти янги босқичга кўтарилмоқда.

<sup>13</sup> Юлдашев Р.Д. Таълим фалсафаси – таълим жараёнини ривожлантиришнинг назарий-концептуал асоси. Фалс. фан. бўй. фалс. док. (PhD)... дис. – Самарқанд, 2019. – 137 б.; Намозова Ю. XIX аср охири – XX аср бошларида Туркистонда таълим фалсафаси. Фалс. фан. бўй. фал. док. (PhD). дис. автореф. – Т, 2020. – 45 б.

<sup>14</sup> Юсупов Э. Инсон камолотининг маънавий асослари. – Тошкент: Университет, 1998. – 184 б.; Шермухамедова Н. Фалсафа. – Тошкент: Idris Abdurauф Nashr, 2021. – 663 б.; Қуроноф М. Миллий тарбия. Монография. – Тошкент, 2004. – 211 б.

Фан – тафаккур бўлиб, жамиятдаги барқарорликни таъминлаб берувчи устувор омиллардан бири. Фан иқтисодий, ижтимоий-маданий ривож замини, инсон тафаккурини ўстириш ва улғайтириш омилдир. Мазкур жараёнда таълим тизими олдида, одатда, куйидаги вазифалар туради:

- аҳолининг таълим билан қамраб олиш даражасини ошириш, саводхонлик даражасини кўтариш ва бу жараёни давлат томонидан доимий қўллаб-қувватлаш;

- иқтисодиёт ва жамият тараққиётининг ҳозирги босқичида зарур бўлган малака ва касбга эга, шунингдек, ўз ички кучлари сифатини муттасил ошириб боришга қодир мутахассислар тайёрлаш;

- таълим ва тарбиянинг сифатини ошириш;

- қашшоқликни бартараф этиш;

- шахсни ҳар томонлама уйғун тарбиялаш;

- таълим олишда жинсий, ирқий ва миллий хусусиятларга кўра камситишга йўл қўймаслик;

- таълим хизматларига бўлган талаб ва таклиф ўртасидаги номутаносиблик (диспропорция)ни камайитириш;

- муқобил давлат таълим ва тарбия муассасаларини ривожлантириш, ушбу соҳада рақобатни кучайтириш;

- таълим жараёнига бюджетдан ташқари маблағ ва инвестицияларни жалб қилиш.

Натижада замонавий таълим ўзига хос хусусияти ва талаблари билан ўқитувчи-педагогларнинг янги авлодини шакллантиради.

П.Ф.Каптерев рус педагогикаси (у педагогия деб атайди) тарихини таҳлил қилар экан, ҳамма мамлакатларда кузатилган уч даврни ажратиб кўрсатади. Биринчи давр – черков педагогияси даври; иккинчи – давлат педагогияси даври; учинчи – ижтимоий педагогия даври. Ҳар бир халқнинг ўзида педагогик эҳтиёж вужудга келмас экан, педагогик ўз-ўзини англаш ҳам пайдо бўлмайди. «Педагогик ўз-ўзини англаш натижасида шахсларнинг дунёқараши, ижтимоий мавқеи, уларнинг эҳтиёж ва кучлари ривожланади»<sup>15</sup>.

Илк «ўқитувчи» ким эди? Энг қадимги билимли одам ва ўқитувчи – коҳиндир. Давлатлар ривож билимни диний уламоларнинг фаолият турига айлантирди. Яхудийликда «раввин»лар, христианликда «руҳоний»лар, Ҳиндистонда «брахман»лар, Хитойда «зи»лар, исломда «мударрис»лар ёрдамида давлат хизматчилари тайёрланган.

<sup>15</sup> Каптерев П.Ф. История русской педагогики. – С.Пб.: Аметей, 2004. – С.11.

Барча динларда Аллоҳ биринчи ўқитувчи сифатида бўлса, пайгамбар ва набийлар унинг билимларини бандаларга етказувчилардир. Мударрис (араб.-дарс берувчи) мадраса ўқитувчиси, муайян диний фандан дарс беради. Ҳозирги кунда мадраса ва диний университетларда диний ва дунёвий фанлардан дарс берувчилар ҳам мударрис деб аталади<sup>16</sup>.

«Ўқитувчи» тушунчаси генезиси таълимнинг тур ва мақсадларига кўра (вақт, жой, таълим тури) турлича ифодаланган. Масалан, устоз, преподаватель, тарбиячи, бошлиқ, гувернер, ментор, репетитор, педагог, профессор (аёлларга нисбатан: отин, гувернантка, синф аёли, мадам, мамзель). Н.Д.Ушаков<sup>17</sup>, Дальларнинг луғатида «Қуйи ва ўрта мактабда муайян фандан дарс берувчи шахс, ўқитувчи, мактаб ишчиси» деб аталган. Узлуксиз таълим тизимини бир бутунликда қарасак, «ўқитувчи» тушунчаси генезисиди «тарбиячи», «таълим берувчи шахс» акс этиб: «муаллим», ўғил болалар ўқитувчиси - «домла», қиз болалар ўқитувчиси - «отинбиби»<sup>18</sup>, «педагог», «мураббий», «мударрис», «устоз», «гуру», «зи», «ментор», «профессор» номлари билан аташ мумкин.

Умуман олганда, «ўқитувчи» тушунчаси генезиси тарбия билан узвий боғланади ва у тарбиянинг асосий субъекти сифатида ифодаланади. Арабча «тарбия», «тарбият» сўзлари: 1) парвариш қилмоқ; таълим бермоқ; ўргатиш; одоб ўргатиш; 2) навозиш, меҳрибонлик кўрсатиш; кўз-қулоқ бўлиш; ҳимоя қилиш мазмунига эга<sup>19</sup>. Диний жиҳатдан бу сўз негизиди «Рабб»(ﷻ), Аллоҳнинг 99 исмларидан бири ҳам ифодаланган бўлиб, у «Тўғри йўлни кўрсатувчи», «Йўналтирувчи», «Тақсимловчи», «Ўрнатувчи», «Мураббий», «Тарбиячи» маъноларини англатади<sup>20</sup>. Тарбия – шахсни ижтимоий ва маданий ҳаётнинг ижтимоий маданий норматив моделларда иштирок этиши учун мақсадли тайёрлаш. «Тарбия» умумий тушунча сифатида тарихан ўзида «ўқитиш» ва «таълим»ни ҳам ифодалайди. Шу сабабдан, «Тарбиячи» сўзи кўп қиррали фаолиятни амалга оширувчи шахсни ифодалайди. Узлуксиз таълим босқичларида ўқитувчи феномени такомиллашиб боради.

<sup>16</sup> Ислон энциклопедияси. – Тошкент: Ўзбекистон миллий энциклопедияси, 2017. – Б. 316.

<sup>17</sup> Ушаков Н.Д. Тольковский словарь русского язык в четырёх томах. – М.: Терра, 2007.

<sup>18</sup> Ислон энциклопедияси. – Тошкент: Ўзбекистон миллий энциклопедияси, 2017. – Б. 316.

<sup>19</sup> Ўзбек тилининг изоҳли луғати. – М.: Рус тили, 1991. – Б. 125.

<sup>20</sup> Гусейнзаде Р.Л., Мамедов Т.М. Педагогика. – Баку, 2015. – С. 65.

Академик И.П.Павлов фикрича, тарбия – популяция тарихий хотираси сақланишини таъминловчи механизм. Бу жараёнда ворисийлик инкорни-инкор шаклида намоён бўлади ҳамда замонавий фанда «тарбия» тарихий ва маданий тажрибани авлоддан-авлодга етказувчи ижтимоий ҳодиса сифатида тушунилади. Бунда тарбиячи: инсоният томонидан тўпланган тажрибани етказди; маданият дунёсига киритади; ўз-ўзини тарбиялашни шакллантиради; мураккаб ҳаётий ҳолатларни фарқлаш ва юзага келган муносабатлардан чиқиб кетишга ёрдам беради. Ўз навбатида, тарбияланувчи: инсоний муносабатлар тажрибаси ва маданият асосларини эгаллайди; ўз устида ишлайди; хулқ-атвор меъёрлари ва мулоқот омилларини ўрганади. Натижада тарбияланувчи ўзининг дунёни тушуниш, инсонлар ва ўз-ўзига бўлган муносабатини ўзгартиради.

Педагог ёки ўқитувчи аслида ким? Таълим ташкилотларида педагогик фаолият билан шуғулланувчи жисмоний шахсларнинг барчасини педагог ходим деб аташимиз мумкин. Педагог ходимлар бутун таълим тизимининг турли тузилмаларида фаолият олиб боровчи шахсларни умумлаштиради, бунда таълим ташкилоти раҳбарлари, методистлар, тарбиячилар, профессор-ўқитувчилар, тўғарак раҳбарлари ва бошқаларни санаб ўтишимиз мумкин. Аммо ўқитувчилар (олий мактабда профессор-ўқитувчилар) айнан ўқувчи ва талабаларга турли фанлардан билим берувчи шахслардир.

«Ўзбек тилининг этимологик луғати»да «ўқитувчи» арабча «муаллим» - «mu'allim(un)» шаклига эга, асли «ʿalīma» феълининг «ўқитди», «ўргатди» маъносини англатувчи «ʿalīma» шаклидан ҳосил қилинган аниқ нисбатдош бўлиб, араб тилидан «ўқитувчи» маъноси билан олинган. Шунингдек, «ўқи» – «ёзувни талаффуз қил», «баланд товуш билан айт», «қичқириқ» маъносини англатади. Унинг «ёзувни талаффуз қил» маъноси ёзув яратилгандан кейин юзага келган<sup>21</sup>.

Ўқитувчи феномени мураккаблиги, давомийлиги, асрлар давомида мукаммаллашиб бориши билан аҳамиятли. Ўқитувчи ўз-ўзини ва ўқувчи билимларини, салоҳияти, маҳорати, маданий ва ижтимоий мақомини такомиллаштириб боради. Булар юртимизда уламо деб аталган. «Уламо»– арабча «ʿulamaʿu»; «ʿalīma» – «билди», «билимли бўлди» маъносидан ясалган «ʿalīm(au)

<sup>21</sup> Раҳматуллаев Ш. Ўзбек тилининг этимологик луғати. – Тошкент: Университет, 2000. – Б. 139.

«олимлар» маъносини англатади. Бугунги кунда унинг кўплик шакли унутилганлиги сабабли «диний илмларни мукаммал биладиган олим» маъносини билдиради<sup>22</sup>. «Ўқитувчи» ва «педагог» сўzlари синоним сўzлар эмас. Улар бир-бирига мос келмайди. «Педагог» қайси жиҳатлари билан «Ўқитувчи»дан фарқланади? Дастлабки атамаларга мурожаат этамиз: Ўқитувчи – умумтаълим мактабининг ўқувчиларга муайян фанни (предметни) ўқитиш билан шуғулланувчи штатли ходимдир. Педагог (юнон тилидан, παιδαγωγός «ўспиринни етаклаётган») – фаолияти улғайиб келаётган авлодни ўқитиш ва тарбиялашга йўналтирилган махсус тайёрланган инсон ёки педагогиканинг назарий муаммолари устида ишлаётган олим. «Педагог» кенг тушунчадир, у ўқитувчилик жиҳатидан ташқари тарбиячилик ва устозлик даврига эга. Педагогика фани – инсонни шакллантиришга йўналтирилган мақсадли ва тизимли фаолият. У ўқитиш ва тарбиялашнинг методлари ва мазмунини ишлаб чиқади. Педагоглар инсонга билимларнигина эмас, балки шахсий, ижтимоий ва ҳаёт тажрибасини ҳам ўргатадилар. Буюк педагоглар деб Я.А.Коменский, Г.Песталоцци, М.Монтессори, В.Сухомлинский, К.Ушинский, М.Бехбудий, А.Авлоний, Қ.Ниёзий кабиларни айтиш мумкин. Боғча тарбиячиси, мактаб ва олий ўқув юрти ўқитувчиси, спорт тренери, илғор педагогик ғояларни ривожлантирувчи олим ҳам педагог сифатида эътироф этилади.

Фикримизча, ўқитувчи – ўқувчиларга таълим берувчи ва касбий тарбияси билан шуғулланувчи, ўрта махсус, олий ёки махсус тайёргарликдан ўтган шахс. «Ўқитувчи» атамаси («Устоз» маъносида) ўз издошларига эга нуфузли инсон, маънавий устоз ҳақида фикр юритилганда ҳам ишлатилади.

Термизий Абу Умома Боҳилий (р.а.) ривоят қилади: «Расулulloҳ с.а.в: «Албатта, Аллоҳ, Унинг фаришталари, осмонлару ернинг аҳли, ҳаттоки, уясидаги чумоли ва балиқ ҳам одамларга яхшиликни ўргатувчига саловат айтадилар», дедилар». Ушбу ҳадиси шарифдаги одамларга яхшилик ўргатувчилар, асосан, мусулмон муаллимлардир. Бу шарафга муяссар бўладиганларга кичкинтойларга алифбе ҳарфларини ўргатаётган муаллимлардан тортиб, фан докторлиги илмий ишларига раҳбарлик қилаётган устозлар, илмий кашфиётларни бошқараётган раҳбарларгача, барчалари киради<sup>23</sup>.

<sup>22</sup> Раҳматуллаев Ш. Ўзбек тилининг этимологик луғати. – Тошкент: Университет, 2003. – Б. 405.

<sup>23</sup> Шайх Муҳаммад Юсуф, Муҳаммад Содиқ, Ижтимоий одоблар. – Тошкент: Hilol-nashr, 2016. – Б. 367.

Демак, ўқитувчининг вазифаси – муайян фанни ўқитиш ва билимлар ўзлаштирилишини назорат қилиш; кенг даражадаги таълим ва тарбия вазифаларини ҳал этиш билан шуғулланиш. Олий таълим ўқитувчиси талабаларга аниқ фан бўйича ўз билимларини ўртоклашади, ахборотни ўзлаштиришга ёрдам беради, уларни илмий фаолиятга чорлайди.

Жамият аъзоларининг ўқитувчилар ҳақидаги диний ва дунёвий фикрларини, жамият тараққиёти, келажак авлод тақдирини яратишдаги ҳолис хизматларини ўрганиш тадқиқотимизнинг долзарб муаммосидир.

Шайх Муҳаммад Содик Муҳаммад Юсуф таълим ва тарбия, муаллим ва мутаъаллим фаолиятининг узвий алоқадорлигини қайд этади. Жумладан, «Таълим» бир нарсанинг ҳақиқатини батафсил ва яхшилаб билдириш маъносини англатади. «Таълим бериш», «дарс бериш» ва «ўргатиш» сўзлари маънодош бўлиб, маълумотларни муаллимдан мутаъаллимга (таълим олувчига) нақл қилишни билдиради. Таълим шарҳлаш, очиқлаш, яқинлаштириш, ҳужжатлаш, далил келтириш, тарбия бериш ва насихат қилиш каби ишлардан иборатдир. Таълим бериш билан таълим олиш бир-бири билан чамбарчас боғлиқ, бирисиз иккинчиси бўлмайди... Илм талаб қилиш фарз бўлгани каби, таълим бериш ҳам фарз қилинган»<sup>24</sup>.

Шарқ ва Ғарб мамлакатларида азалдан илм-маърифат ривожини ворисийлик тамойили асосида, оддийдан мураккабга қараб узлуксиз тараққий этиб борган. Ижтимоий макон ҳамда ижтимоий вақт давомидаги ўзгаришлар таълим-тарбиянинг назарий ва амалий асослари мазмун-моҳиятини ўзгартирмади.

Қадимдан ўқитувчилик, устозлик ёки мураббийлик энг масъулиятли ва обрўли касблардан ҳисобланган. Қадимги Месопотамия, Бобил, Миср, Ҳиндистон, Хитойда ўқитувчи фаолияти муҳим аҳамиятга эга бўлган.

Қадимги Месопотамияда дастлабки мактаблар эр.ав. III минг йилликнинг биринчи ярмида шаклланган, унга сангалар раҳбарлик қилган. «Санга» унвони руҳоний, эҳромнинг алоҳида ходимларига таълим берувчи шахсни англатади, шунингдек, «писец», яъни «котиб» ҳақида ҳам маълумотлар берилади. Котиблар мактаби матнларида унинг ходимлари, ўқитувчилар ва ўқувчилар ҳақидаги дастлабки маълумотлар II минг йиллик бошларида ёзилган «Э-дуба

<sup>24</sup> Шайх Муҳаммад Юсуф Муҳаммад Содик. Ижтимоий одоблар. – Тошкент: Hilol-nashr, 2016. – Б. 366.

матнлари»да учрайди<sup>25</sup>. Бу мактабларда «уммиа» бошлик бўлиб, у ёзишни ўргатган энг обрўли ва тажрибали котиб бўлган. Уммиа – хусусий мактабларда, ўқувчи ва ўқитувчиларга бошчилик қилган. Уммиалар жамиятда катта обрўга эга шахс ҳисобланган. «Мактаб кунлари» пассажида ўқитувчилар ҳам хурмат ва эътиборга эга эканлиги қайд этилади.

Месопотамиядаги сопол лавҳаларда «Ўқитувчи инсонни шакллантирадиган Худо, Сиз ҳақиқатан ҳам худосиз. Менинг кўзларимни очдингиз, менда инсоний фазилатни яратдингиз», деб қайд этилган<sup>26</sup>. Уммиа, яъни ўқитувчи ўз ўқувчиларига мурожаат қилар экан «Ўспирин, отангизни билганингиз каби, мени ҳам билинг мен иккинчидан (ундан кейин)», дейди. Шу сабабдан, улар «мактаб отаси» деб аталиб, ота-оналар томонидан хурмат ва эҳтиром билан кутиб олинган. Мактабда ўртача 4-5 нафар ўқитувчи фаолият юритиб, айрим ўқитувчилар бир қанча вазифаларни бажаришган, мактаб назоратчилари - «угула»лар ҳам қайд этилган. Қадимги ибодатхона мактабларининг ўқитувчилари эр.ав. III минг йилликнинг биринчи ярмида ибодатхона ходимлари – ҳисобчи, архивчи, котиб сифатида ишлаб, ойлик маош олганлар. Ўқитувчиларнинг асосий таъминоти болаларни ўқитиши асосида олинган маоши ва ҳадялар, сарой ва ибодатхона буюртмаси асосида ёзилган (шоҳона мадҳиялар, ибодат ёзувлари) учун олинган даромадларидан иборат бўлган. Ўқитувчиларнинг меҳнатига ўқувчиларнинг ота-оналари ҳақ тўлаган. Яхши ўзлаштирган ўқувчилар ота-оналари бунга қўшимча равишда ўқитувчиларга турли қимматбаҳо совғалар ҳадя этганлар, уларни улуғлаганлар<sup>27</sup>. Ўқитувчилар педагогик фаолият билан бирга илмий изланишлар ҳам олиб боришган. Демак, қадимдан инсонни биологик дунёга келтирган отаси эмас, балки катта ижтимоий ҳаётга ўргатган устози, яъни ўқитувчиси «ҳақиқий ота» сифатида эътироф этилган<sup>28</sup>. Болаларга 5-7 ёшдан қарийб 20-25 ёшгача босқичма-босқич таълим-тарбия бериб борилган.

Дастлаб Ҳиндистон таълим тизими ўқитувчилик касби эгалари - брахманлар томонидан мукаммал йўлга қўйилган. Уларнинг

<sup>25</sup> Образовательные системы Востока и Запада в эпоху Древности и Средневековья. – М.: Издательство Российского университета дружбы народов, 2003. – С.63.

<sup>26</sup> Ўша манба.

<sup>27</sup> Ўша манба.

<sup>28</sup> Образовательные системы Востока и Запада в эпоху Древности и Средневековья. – М.: Издательство Российского университета дружбы народов, 2003. – С.59.

таълим дастури анча тўлиқ ва серқирра бўлган, кшатрийлар дастурида ҳарбий билимларни эгаллаш устуворлик қилган, вайшилар таълими касб-ҳунар эгаллашга қаратилган. Бу таълим 8 йил давом этиб, «Веда»ларни айтиб бериш, ўқиш, ёзиш ўргатилган. Юқори таълимни гурулар (руҳий устоз, обрўли, мўътабар зотлар) ўз гурукула («гурунинг уйи»)ларида олиб борганлар. Бундай мактаблар устоз ва шогирдлар ўртасидаги ўзаро ҳамкорлик ҳамда қатъий интизомга асосланган. Ўқитувчилар юксак даражада кадрланган, уларнинг касби илоҳий юмуш ҳисобланган. Устознинг бурчи шогирдларини муносиб фуқаролар қилиб тарбиялаш, уларда билимга муҳаббат уйғотишдан иборат бўлган. Гурукулада уларга дин, фалсафа, турли санъат ва йога сирларини ўргатишган ва талабаларни катта ҳаётга тайёрлашган. Гурукула учун талабалар «Шогирд тайёр бўлганида, устоз ўзи келади» тамойили асосида танланган. Чунки талабгорлар шароитга мослашувчанлик, катталар, ота-оналар ва ўқитувчиларига сўзсиз итоат қилиш сифатларига эга бўлишган. Устозлар талабаларда қатъият, хотиржамлик, эътиқодга ҳурмат, табиатга муҳаббат каби фазилатлар бўлишига эътибор қаратишган. Уларда имкониятларидан ташқаридаги қобилиятлар вужудга келишига ёрдам берувчи руҳий, ақлий ва жисмоний омилларни шакллантиришган.

Айнан буддавийлик ибодатхоналаридаги мактабларда таълимнинг изчил педагогик тизими ишлаб чиқилган. Бу тизим шахсий таълим тамойилига асосланган. Бир устоз қўлида талабаларнинг кам бўлиши юқори натижаларга эришиш ҳамда талаба билан устоз ўртасида яқин алоқа ўрнатилишига хизмат қилган. Бунда педагогик таъсир ва ўзаро таъсир усулидан фойдаланилган, талабалар ечиши керак бўлган масалалар парадокс(коан)лар асосига қурилган. Мантиқий тафаккур ўстирилган.

Қадимги Хитой файласуфи Конфуций («Хурматли Устоз Кунг» маъносини англатади) 22 ёшидан таълим бериш билан шуғулланиб, кейинчалик Хитойнинг энг машҳур ўқитувчиси сифатида танилди. У ўз мактабида тўртта фан: ахлоқ, тил, сиёсат ва адабиётдан дарс берган. Мухлислари уни «Кўнг фузи» деб улуғлашган, «фузи» – «устоз», «ҳазрат» демак. Кўп ўтмасдан у шогирдлари билан «хизмат» (иш, вазифа) учун юрт кезади. Мақсади бошқа подшоликларга ҳам ўзининг ахлоқий-сиёсий қарашларини ёйиш